

Иқтисодиёт (темир йўл транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Бу таълим йўналишида темир йўл транспорти корхоналарининг иқтисодий фаолиятини режалаштириш, таҳлил қилиш, бизнес-режа, стратегик режа, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида меҳнатни меъёрлаш, транспорт фаолиятида логистиканинг иқтисодий асослари ўрганилади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

ЎТЙ АЖнинг иқтисодий бошқарма ва бўлимлари, барча турдаги корхоналари, логистик марказлар, экспедиторлик компаниялари шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

"ЎТЙ" АЖнинг барча турдаги корхоналарида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам иқтисодий бошқарма ва бўлим бошлиғи, иқтисодчи, меҳнатни меъёрлаш бўйича муҳандис ва корхона раҳбари

Иқтисодиёт (автомобиль транспорти)таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Мазкур бакалавриат таълим йўналиши - фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, автомобиль транспорти фаолиятини тадқиқ этиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш; автомобиль транспортида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини белгилувчи иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш; автомобиль транспортида тармоқ корхоналарини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар ва таклифларни институционал, иқтисодий ва ижтимоий концепцияларини таҳлил қилиш; автомобиль транспорти корхоналарини ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, мониторинг олиб бориш ва татбиқ этиш, илмий тадқиқотлар ўтказишда фаол қатнашиш каби касбий фаолият турларини бажариш; хўжалик юритувчи субъектларини иқтисодий хизматлар ҳамда бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; автомобиль транспорти тармоқ корхоналари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқот қилиш; таҳлил қилиш усулларини қўллаш; инвестицияларни жалб этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш усулларини қўллаш; автомобиль транспорти тармоқ корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллашни қамраб олади



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги автомобиль транспорти корхона ва ташкилотлари, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, логистика марказлари, консалтинг хизмати корхоналари, турли мулкчилик шаклидаги автотранспорт корхоналарида фаолият юритишлари мумкин.

Таълим йўналиши битирувчилари иқтисодчи, иқтисодиёт бўйича директор ўринбосари, бош иқтисодчи, иқтисодчи-менежер, молия ва режалаштириш бўлими бош ва етакчи мутахассиси лавозимларида ишлашлари мумкин.